



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2023 йил — инсонга эътибор ва сифатли таълим йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 16 ноябрь, № 243 (8586)

Пайшанба

Сайтимиизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ АҲОЛИНИ КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСГА КЕНГ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш, жумладан, аҳолида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларнинг бизнес ташаббусларини молиялаштириш ва лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш бўйича яхлит тизим жорий этиш мақсадида:

1. Аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилишнинг куйидаги устувор йўналишлари белгилансин:

аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини ўқитиш орқали уларнинг бизнес ташаббусларини молиявий ва консультатив қўллаб-қувватлаш тизимини йўлга қўйиш ва “оилавий тадбиркор — микробизнес — кичик бизнес — ўрта бизнес” занжири асосида уларнинг фаолиятини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

давлат дастурлари доирасида кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ, “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ ва бошқа ҳамкор тижорат банкларида иборат **яхлит молиявий тизим** асосида қўллаб-қувватлаш;

тадбиркорликка ўқитиш, кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини молиялаштириш ҳамда бизнес жараёнларининг барча босқичларида доимий ҳамроҳлик қилишни “Кичик бизнесга кўмаклашиш маркази” МЧЖлар ва “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖда, шунингдек, ваколатли органлар ва тижорат банкларининг тадбиркорлик йўналишидаги электрон платформаларида (кейинги ўринларда — электрон платформалар) амалга ошириш.

2. 2024 — 2026 йиллар учун “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ ва “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ фаолиятининг **асосий мақсадли кўрсаткичлари** этиб куйидагилар белгилансин:

а) “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ бўйича: кичик тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитлар қолдигани **1,7 бараварга** ошириш орқали кредит портфелидаги улушини 28 фоиздан **43 фоизга** етказиш;

кичик бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан жами **800 миллион АҚШ долларига**ча миқдорда ресурслар жалб қилиш;

300 миллион АҚШ доллари миқдорда облигация (евробонд)ларни халқаро капитал бозорларида муомалага чиқариш;

150 мингта кичик тадбиркорлик субъекти фаолиятини йўлга қўйиш ва кенгайтириш;

б) “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ бўйича:

кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган молиявий хизматлар ҳажминини 8 триллион сўмдан **14 триллион сўмга** етказиш;

150 та ўрта бизнес корхонасига улуш киритиш ва хизматлар ипотекаси асосида **300 та** лойиҳани тадбиркорлик субъектларига сотиш;

ўрта тадбиркорлик субъектлари сонини **2,5 бараварга** ошириш;

300 миллион АҚШ доллари миқдорда облигация (евробонд)ларни халқаро капитал бозорларида муомалага чиқариш.

3. Куйидагилар:

Аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилиш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) **1-иловага** мувофиқ таркибда;

Аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилиш бўйича ҳудудий комиссиялар **2-иловага** мувофиқ намунавий таркибда ташкил этилсин.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖОЗИБАДОРЛИГИ ҲАЁТБАХШ ИСЛОҲОТЛАР ТУФАЙЛИ ЯНАДА ОШМОҚДА



Ўзбекистондаги ўзгаришлар, ислоҳот ва ютуқлар, сайёҳларга яратилаётган қулайликлар биз, қозғонгонликларни ҳам қувонтирмақда. Энг яқин туристик маскан сифатида Ўзбекистонга бориш бизларга қулай, албатта. Биринчидан, Ўзбекистонда зиёрат қилиш мумкин бўлган жойлар талайгина. Тарихий обидалар улар орасида алоҳида ажралиб туради. Таомларининг сифати ва таъмини айтмасам ҳам бўлади. Одамларнинг меҳмондўстлигига гап йўқ. Тоza ва кўркам шаҳарлари кишини ўзига жалб этади. Иқлими эса бетақдор.

Эътироф

Ушбу муаззам мамлакат узоқ йиллар бүгун дунё учун гўё ёпикдек эди. Чегаралардаги узоқ тегишурувлар, қандайдир сабабларга кўра айб излаш, рўйхатга олишдаги қийинчиликлар, ўзингиз билан бирга олиб кирган валюталар-

ни алмаштиришдаги мураккабликлар сайёҳларни бошқа манзилларни излашга мажбур этарди. Энди бу муаммолар ортада қолди.

Мен яқинда Тошкентда бўлдим. Ўзгаришлар бекиёс. Мен каби минглаб туристлар бамайлихотир, эмин-эркин минг йиллик осориатқалар, кўна ёдгорликларни томоша қилиб юрибди.

ИХТ:

ЭЛЕКТРОТЕХНИКА БЎЙИЧА САРМОЯВИЙ ҲАМКОРЛИК ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАДИ

Шу йилнинг 9 ноябрь куни Тошкентда “Ҳамкорликда иқтисодий барқарорлик ва тараққиёт сари” шиори остида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг (ИХТ) 16-саммити бўлиб ўтди. Пойтахтимизда ўтказилган тарихий саммит ИХТ доирасида савдо-иқтисодий ва сармойявий алоқаларни ривожлантириш, хорижий ҳамкорлар билан саноат кооперациясини янада кенгайтириш, ўзаро тажриба алмашиш ва қўшма дастурларни рўёбга чиқаришда муҳим платформа вазифасини бажариши, шубҳасиз.

Тараққиёт мезонлари

Президентимиз саммитда нутқ сўзлаб, “Иқтисодий ҳамкорликнинг стратегик мақсадлари — 2035” концептуал ҳужжатини ишлаб чиқиш вақти келганини таъкидлади ва етти та муҳим тақлифни илгари сурди. Хусусан, ўзаро савдони рағбатлантириш, саноат коопе-

рацияси ва ишбилармонлик алоқаларини фаоллаштириш ҳамда индустриал хабарни шакллантириш шулар жумласидандир.

Саммит аввалида эса “Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти давлатларида кичик ва ўрта бизнес — иқтисодий ривожланиш ва тараққиётнинг

асосий драйвери” мавзусида бизнес-форум ўтказилди. Ишонимизки, ушбу анжуман иқтисодиётнинг барча тармоғи, хусусан, электротехника йўналишида ҳам алоқаларни яхшилаш ҳамда янги ва истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилади.

МИЛЛИЙ КОМИССИЯНИНГ ФАОЛИЯТИ МУНОСИБ БАҲОЛАНДИ

Олий Мажлис Сенатида Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси вакиллари Ўзбекистоннинг ушбу йўналишда иш тажрибасини ўрганиш мақсадида мамлакатимизда бўлиб турган Эстониянинг Адлия вазирлиги жинойи сиёсат масалалари бўйича маслаҳатчиси, одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича миллий координатор А. Лепс бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Учрашув

Конструктив ва амалий жиҳатларни қамраб олган мулоқот давомида Эстония томониغا одам савдосига қарши

курашиш, болалар ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича кўрилатган комплекс чора-тадбирлар, халқаро ташкилотлар тавсияларининг амалий ижроси ҳақида кенг маълумот берилди.

БИЗГА ТИНЧ ВА БАРҚАРОР, МАНФААТЛИ ШЕРИКЛИК УЧУН ОЧИҚ АФҒОНИСТОН КЕРАК

Бугунги дунё геосийосий майдонида кузатилаётган таҳликали вазиятда Афғонистонда барқарорликни таъминлаш глобал хавфсизликнинг муҳим шартини бўлиб қолди. Президентимиз Ўзбекистон ташқи сиёсатининг тинчликпарварлик тамойилларидан келиб чиқиб, афғон муаммосига алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, минтақавий можаролар ечимини топиш, давлатлараро муносабатларда ўзаро ҳурмат ва қатъий ишонч, олис истиқболни кўзлаб умуминсоний манфаатлар атрофида бирлашиш ғоясини илгари суряпти.

Нуқтаи назар

Давлатимиз раҳбари Афғонистонда барқарорликни таъминлаш масаласининг нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунё учун аҳамиятини энг юксак минбарлардан туриб таъкидлаб келмоқда. БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессияси, Туркий давлатлар ташкилотининг Остона саммити ва Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги учрашуви ҳам бундан мустасно эмас. Хусусан, яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган ИХТ ўн олтинчи саммитидаги нутқида Президент Шавкат Мирзиёев асрлар давомида бизга ён қўшни бўлган кўп миллатли Афғонистон халқини бугунги мураккаб муаммо-

лари қаршида ёлғиз қолдириб бўлмаслигини, ушбу мамлакатни минтақавий интеграция жараёнларида фаол жалб этиш барқарор тараққиётимизнинг ажралмас ва зарурий шартини эканлигини таъкидлади, ишторкчиларни афғон халқига гуманитар ёрдам кўрсатишни қўпайтиришга, ушбу мамлакатдаги ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларга жамоавий масъулият ва мақбул механизмлар асосида ечим топишга чақирди.

Ўзбекистон раҳбари Афғонистондаги вазиятни фақат тинч, сиёсий дипломатик йўллар билан ҳал этишга чақирар экан, унинг суверенитетини, мустақиллигини ва ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш, мамлакатнинг тинч, бўлинмас, мустақил, иқтисодий

ривожланаётган давлат сифатида шаклланишини қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлади. Шавкат Мирзиёевнинг Афғонистон барқарорлашувига нисбатан “беқарорлик ва вайронгарчиликдан — тинчлик ва яратувчанлик сари” тамойилга асосланган қатъий ёндашуви бу йўналишдаги қўшма минтақавий ҳамкорликнинг мантиғини белгилайди.

2016 йили Ўзбекистон Афғонистон масаласини ҳал қилиш борасидаги сазй-харакатларини сезиларли даражада фаоллаштирди. Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан 2018 йилда ўтказилган Афғонистон бўйича “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусидаги юрчи даражадаги халқаро конференция муҳим воқеа бўлди. Конференция якунида қабул қилинган Тошкент декларацияси биринчи марта Афғонистондаги вазиятни сиёсий жиҳатдан ҳал этиш зарурлиги ҳақидаги умумий консенсусни мустақамлади, бу эса тинчлик жараёнини қайта бошлаш ва куролли можарони тўхташга сезиларли туртки берди.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ЯНГИЛАНИШЛАР ЮРТ РАВНАҚИ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН

Халқ депутатлари Олмасор тумани Кенгашида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари ҳамда журналистлар иштирокида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбати

Таъкидланганидек, кейинги йилларда Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада жадаллаштириш, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, мамлакат инфратузилмасини кенг ривожлантириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Барча соҳада олиб борилаётган ислохотлар “Инсон қадрини унинг манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган тамойилнинг ҳаётий рўёбини таъминламоқда.

Янги тахрирдаги Конституция-мизда ҳам инсон қадрини улуғлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга доир қатор муҳим янги нормалар белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон — демократик, ҳуқуқий, ижтимоий, дунёвий дав-

лат экани, инсон билан давлат ўртасидаги муносабатларда юзага келадиган зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига ҳал этилиши, мажбурий меҳнат, болалар меҳнатининг оғир шаклларида фойдаланиш тақиқланиши ва жавобгарликка сабаб бўлиши ҳамда давлат ҳисобидан бепул тиббий ёрдам олиши ўз аксини топди.

Давра суҳбатида “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган устувор вазифалар ҳақида сўз юритилди.

Қайд этилганидек, ушбу дастуриламал ҳужжатда халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини

ривожлантириш учун барча имкониятни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлоднинг тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўлинига айланган кучли иқтисодиётни шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлашга қаратилган устувор вазифалар белгиланган.

Бугунги кунда Конституциямизда ифодаланган нормаларни ҳаётга татбиқ қилиш ва уларни қонунларда акс эттириш, Тараққиёт стратегиясидаги устувор вазифалар ижросини таъминлаш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Тадбирда яқинда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонуни ҳақида кенг тушунтириш берилди.

ҚУМ ВА ЧАНГ БЎРОНЛАРИ ТАЪСИРИНИ КАМАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Самарқандда давом этаётган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Чўлланишга қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси (CRIC-21 UNCCD) ижросини кўриб чиқиш қўмитасининг 21-сессияси доирасида Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирини Азиз Абдуҳакимов раислигида яппи мажлис бўлиб ўтди.

Тадбирда Сент-Люсия қишлоқ хўжалиги, балиқчилик, озик-овқат хавфсизлиги ва қишлоқ тараққиёти вазирини Алфред Преспер, UNCCD COP15 раиси Аллен-Ришар Донван, Саудия Арабистони Қироллиги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирини Ўринбосари, UNCCD COP16 янги раиси Усама Иброҳим Фақих, UNCCD ижрочи котиби Иброҳим Тивав, ИХТ Бош котиби Ўринбосари Хусейн Авни Бижакли иштирок этди.

Озик-овқат хавфсизлиги, инсон саломатлиги, атроф-муҳит ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишга қарши таҳдидлар, уларнинг сабаблари ва юзага келиши мумкин бўлган оқибатлари, шунинг-

де, иқлим ўзгариши, ерларнинг деградацияси ва ҳавонинг ифлосланиши билан боғлиқлиги тўғрисида сиёсий хабардорликни ошириш тадбирининг асосий мақсади ҳисобланади.

Миллий, минтақавий ва глобал миқёсда сиёсат, қондалар ва ҳаракат режаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, шу жумладан, миллий бошқарув салоҳиятини мустақамлаш, транс-чегаравий муаммоларни ҳал қилишда минтақавий ҳамкорликни рағбатлантириш, томонларнинг ҳамкорлик механизмларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари ҳам муҳокама этилди.

Учрашувда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг устувор йўналишлари ва мақсадлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти тўғрисида маълумот берилди.

XXРнинг Нинся-Хуэй автоном тумани халқ сиёсий маслаҳатлашув кенгаши раиси, делегация раҳбари Чань Юн Ўзбекистон — Хитой ўртасидаги муносабатлар ҳақида сўз юритар экан, икки давлат раҳбарларининг ўзаро ташрифлари доирасида эришилган келишувларнинг аҳамияти-

ни, Ўзбекистоннинг “Бир макон, бир йўл” форумидаги иштирокини алоҳида таъкидлади. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда аҳолини камбағалликдан чиқариш, қашшоқликка барҳам бериш, фаровон жамият қуриш жараёнларини яқинида етказишга қаратилган кенг миқёсдаги ислохотларни эътироф этди.

Шунингдек, давлатлар раҳбарлари ўртасидаги олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш, Нинся-Хуэй автоном тумани ҳамда Ўзбекистоннинг бир неча вилоятлари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш масалаларини биргаликда муҳокама қилиш делегация аъзоларининг устувор мақсади экани айтилди.

Учрашувда томонлар қайта тилланувчи энергетика, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва логистика, саноат парклари ва қишлоқ хўжалиги кластерларини ташкил этиш борасида, шунингдек, таълим, соғлиқни сақлаш ва маданият соҳаларидаги ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилишди.

Мулоқот якунида Ўзбекистон — Хитой ўртасидаги парламентлараро алоқаларни кенгайтириш ва уни янги мазмун билан бойитиш, норма ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашиш масалалари бўйича фикрлашилди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

АҲОЛИНИ КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСГА КЕНГ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

4. Республика комиссияси (Кўчқоров) 2023 йил 15 декабрга қадар: худудлар ва давлат дастурлари йўналишлари кесимида 2024 йилда 2 миллион аҳолини бизнесга жалб қилишнинг мақсадли кўрсаткичларини; "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ ва "Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси" АЖ фаолиятининг асосий мақсадли кўрсаткичларига эришиш бўйича аниқ чора-тадбирларни (тармоқ жадвалларини) тасдиқласин. Иқтисодий ва молия вазирининг биринчи ўринбосари И.И.Норкулов, Марказий банк раиси ўринбосари А.А.Турдалиев ва ўзларига бириктирилган худудлар бўйича Республика комиссияси аъзолари зиммасига аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилишнинг устувор йўналишларини рўйбга чиқариш ва мақсадли кўрсаткичларга эришиш вазифаси юклансин. Республика комиссияси аъзолари бир ой мuddатда ўзлари бириктирилган худудда ҳар бир туман ва шаҳарга чиққан ҳолда, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун ўқув семинарларини ташкил қилсин. 5. Тиклашиш ва тараққиёт жамғармаси (Вафаев) бир ой мuddатда "Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш" комплекс дастури доирасида лойиҳаларни молиялаштириш учун "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБга жами 300 миллион АҚШ доллари миқдориди, шу жумладан: 75 миллион АҚШ доллари "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБнинг устав капиталини оширишга; 225 миллион АҚШ доллари субординар қарз

сифатида 15 йил мuddатга, 5 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 5 фоиз ставкада маблағлар ажратсин. 6. Белгилансинки: а) кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили асосида хизмат кўрсатиш учун "Кичик бизнесга кўмаклашиш маркази" МЧЖлар ва "Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси" АЖнинг вакиллари белгиланган тартибда Савдо-саноат палатасининг худудий бошқармалари биноларига жойлаштирилади; б) Савдо-саноат палатаси (Ваҳобов), Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Қосимов), Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги (Ўбайдуллаев) ҳар ҳафта: маҳаллаларга чиққан ҳолда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида давлат дастурларида кичик ва ўрта бизнес учун белгиланган молиявий имкониятлар тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боради; "Кичик бизнесга кўмаклашиш маркази" МЧЖларда намунавий қўлланмалар асосида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун ўқув семинарларини ўтказиб боради; салоҳиятли тадбиркорлик субъектларини аниқлаб, "Кичик бизнесга кўмаклашиш маркази" МЧЖларга ва "Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси" АЖнинг вакилларига уларнинг лойиҳаларини амалга ошириш бўйича тавсиялар беради. 7. Белгилаб қўйилсинки, давлат дастурлари доирасида ажратилаётган кредитлардан самарали фойдаланиш, уларнинг ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш мақсадида 2024 йил 1 июлдан бошлаб: кредит ажратишнинг барча босқичлари (аризани

кўриб чиқиш, қарор қабул қилиш, кафилилик бериш ва кредит ажратиш) рақамлаштирилган ҳолда электрон платформаларда амалга оширилади; кредит таъминотларини назорат қилиш, гаровга олинган мулкларни тақиқдан тўлиқ ёки қисман чиқариш ҳамда алмаштириш жараёнлари электрон платформалар орқали марказлашган ҳолда ташкил қилинади; ахборот технологиялари ёрдамида мижозлар бизнес-режалар асосида фаолият юритиши, пул оқимлари ва бошқа кўрсаткичларини таҳлил қилиш орқали хатарларни олдиндан аниқлаш механизми амалиётга киритилади; давлат дастурлари доирасида туман (шаҳар) ва маҳаллаларга ажратиладиган кредитлар ҳажми юзага келган муаммоли кредитлар улушидан келиб чиқиб белгиланади. 8. 2024 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар давлат харидлари махсус ахборот порталида давлат иштирокидаги йирик корхоналар билан кооперация асосида ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларига ўзлари ишлаб чиқарган товарларни (маҳсулотларни) давлат буюртмачиларига бир молия йили давомида жами 10 миллиард сўмгача қийматда тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотишга рухсат берилсин. Иқтисодий ва молия вазирлиги бир ой мuddатда мазкур бандда назарда тутилган шартномаларни тузиш ва рўйхатдан ўтказиш учун давлат харидлари махсус ахборот порталида алоҳида саҳифа ташкил этсин ва уни вазирлик ва идоралар маълумотлар базалари билан интеграция қилсин. 9. Иқтисодий ва молия вазирлиги (Норкулов):

Марказий банк (Турдалиев), "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ (Аннақличев), "Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси" АЖ, Савдо-саноат палатаси (Ваҳобов) ва Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Қосимов), билан биргаликда бир ҳафта мuddатда давлат дастурларида назарда тутилган имкониятлар ва уларда иштирок этиш шартлари тўғрисида тақдимот материаллари ва видеороликлардан иборат намунавий қўлланмалар тайёрлаб, Республика комиссияси аъзолари ва худудий комиссияларга етказилиши ҳамда электрон платформаларда жойлаштирилишини таъминласин; манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин. 10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А.Кўчқоров ва Марказий банк раиси М.Б.Нурмуратов белгилансин. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2023 йил 15 ноябрь

МИЛЛИЙ КОМИССИЯНИНГ ФАОЛИЯТИ МУНОСИБ БАҲОЛАНДИ

Эстония Адлия вазирлиги вакили болалар ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш борасида Ўзбекистонда олиб борилаётган улкан ва самарали ишларни алоҳида таъкидлади. Ўзбекистоннинг одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат қилаётган ишларни алоҳида таъкидлади. Ўзбекистоннинг одам савдосига қарши кураш борасидаги тажрибаси Европа давлатлари, жумладан, Болтиқбўйи мамлакатлари учун ҳам долзарб экани қайд этилди. Шу билан бирга, учрашувда иштирок этган БМТнинг наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг минтақавий вакили Р. Сиргедиев томонидан Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Нормбоева раҳбарлигидаги Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси-

нинг фаолияти юқори баҳоланди. Айни чоғда Ўзбекистоннинг меҳнат муносабатларини ривожлантириш, одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат қилаётган ишларни алоҳида таъкидлади. Ўзбекистоннинг одам савдосига қарши курашиш борасидаги таъбиқ-ҳаракатлари БМТ томонидан ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Учрашув якунида томонлар қўшма давра сўбатлари ташкил этиш ва одам савдосига қарши курашишнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашиш орқали икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича келишувга эришди.

«Халқ сўзи».

ЖАМИЯТДА ПАРЛАМЕНТНИНГ РОЛИ ОРТИБ БОРАЁТГАНИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Равшанбек Алимов Европада ҳайф-сизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори Маттео Мекаччи билан учрашув ўтказди.

Мулоқот

Унда томонлар Ўзбекистон билан ЕХТ ўртасида кейинги йилларда ўрнатилган очик ва ишончли мулоқотни мамнуният билан ургулади ҳамда ўзаро манфаатли соҳаларда яқин ҳамкорликни изчил давом эттиришга тайёр эканликларини билдирди. Ўз навбатида, М. Мекаччи Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотларни қўллаб-қувватлашини таъкидлаб, жамиятни ислох қилишда мамлакат парламентининг роли ортиб бораётганини эътироф этди. Айни чоғда у ЕХТ

ДҲИХБ Ўзбекистонда парламентаризм ва фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга ҳар томонлама ҳисса қўлишга тайёрлигини билдирди ҳамда сайлов қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан қатор тавсиялар берди. Шунингдек, меҳмон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси делегациясининг ЕХТ ПА фаолиятида фаол иштирок этиши мўҳимлигини айтиб ўтди. Учрашув якунлари бўйича томонлар яқин мулоқотни ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга келишиб олди.

«Халқ сўзи».

БАРҚАРОР ИНФРАТУЗИЛМАНИ ЯРАТИШ, ИНКЛЮЗИВ САНОАТЛАШТИРИШ ВА ИННОВАЦИЯ

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси томонидан Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда Барқарор инфратузилма мақсадлари олийги доирасида "Барқарор инфратузилмани яратиш, инклюзив саноатлаштириш ва инновацияларга кўмаклашишдаги муаммолар" мавзусида давра сўхбати ташкил этилди.

Тадбир

Тадбирда барқарор инфратузилмани яратиш, умумкамровли, барқарор саноатлашув ва инновацияларга кўмаклашиш борасида йўл-транспорти инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда одамлар оғирини енгил қилиш, умуман, халқ фаровонлигини қўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланди.

Бу борада транспорт соҳасида 2023 йилда жами 76 та янги йўналиш ташкил этилиб, уларда 141 та автобус, 75 та микроавтобус, 304 та "Дамас" русумли автомобил қатнови йўлга қўйилди.

Ўтган давр мобайнида 357,3 км. масофали Бухоро — Мискин ва 33,78 км.лик Урганч — Хива темир йўл участкалари қурилиб, фойдаланишга топширилган ҳамда 325 км. масофали Қарши — Термиз, 145 км.лик Поп — Наманган — Андижон темир йўл участкалари электрлаштирилган. Айни чоғда 50 км. масофали "Икки изили электрлаштирилган Жиззах — Янгйер темир йўли линиясини қуриш" лойиҳасида ишга туширилди.

Хаво транспорти соҳасида эса 2023 йилнинг январь — сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси президент авиаконкомпаниялари томонидан 38 минг 882 та авиакатнов амалга оширилиб, жами 4 865,7 миң нафар йўловчи ташилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида электр транспортини омалаштириш бўйича қатор чора-тадбирлар қўрилди. Жумладан, электромобиллар импорти акциз ва божхона тўловларидан озод қилинди.

Бундан ташқари, иқтисодийнинг саноат секторини барқарор ривожлантириш бўйича қатор ишлар бажарилиб, ресурс тежовчи ва экологик хавфсиз технологияларни кенг қўллаш орқали мажбур корхоналарни модернизациялаш ҳамда янгиларини ташкил этиш имкони вуқудга келди.

«Халқ сўзи».

ҚУМ ВА ЧАНГ БЎРОНЛАРИ ТАЪСИРИНИ КАМАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Мольвий институтлар, ривожланиш агентликлари ва тегишли ташкилотлар салоҳиятини оширишга ҳамда салбий таъсирларнинг олдини олиш ҳамда камайтиришга қаратилган лойиҳа ва дастурларга сармоя киритишни рағбатлантириш учун молиялаштириш бўйича ҳам фикр алмашилди.

Олий даражадаги тадбир доирасида турли мамлакатлар вазирлари ва атроф-муҳит соҳасидаги етакчиларнинг учрашуви ҳамда ҳукуматлар, БМТ агентликлари ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида интерфал мулоқот бўлиб ўтди.

Анжуманда глобал миқёсда қум ва чанг бўрони дастурининг сийсий мавқени ошириш учун биргаликда амалга оширилган тадбирлар, бу борада глобал ва минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш имкониятлари, қум бўронлари таъсирини юмшатиш ва камайтириш учун асосий техник, молиявий эҳтиёжлар каби мавзулар муҳокама қилинди.

Ғолиб ҲАСАНОВ, ЎЗА мухбири.

Қонунчилик палатаси қўмиталарида КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИНИ ҚИСҚАРТИРИШ ЧОРАЛАРИ КЎРИЛМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ҳамда Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси ҳамкорлигида Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида "Аёллар ва эркаклар учун муносиб меҳнат шартлоларини яратиш ҳамда бандликни таъминлашнинг долзарб масалалари" мавзусида давра сўхбати ўтказилди.

Қуйи палата депутатлари, Сенат аъзолари, вазирлик ва идоралар масъуллари, халқаро ташкилотлар ҳамда сийсий партиялар вакиллари иштирок этган тадбирда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг аҳоли жон ботибга ўсишини таъминлаш, иқтисодийда самарадорликнинг ўсишига эришиш, ёшлар, айниқса, ногиронлиги бўлган инсонларни муносиб иш билан кафолатлаш, самарали бандликни кенгайтириш ва бошқа шу каби масалалар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ҳозирги вақтда мамлакатимизда меҳнат ресурслари сони 19,5 миллиондан ортик кишини, шундан иш билан банд одамлар 13,8 млн., иқтисодий нофаол аҳоли 4,3 млн., ишсизлар 1,3 млн. кишини, ишсизлик даражаси эса 8,6 фоизни ташкил этади. 2023 йилда эса таълим му-

ассасаларининг 813 миң нафар битирувчиси, меҳнат миграциясидан қайтган 241 миң нафар мигрант, мuddатли ҳарбий хизматдан озод этилган 21,4 миң йигит, ишини йўқотган 13,4 миң нафар шахс меҳнат бозорига кириб келади.

Жорий йилнинг январь — сентябрь ойларида республика бўйича жами 5 млн. 199 миң аҳоли бандлиги таъминланган. Хусусан, доимий иш ўринларига 2 млн. 53 миң, мавсумий ва вақтинчалик ишларга 2 млн. 422 миң ҳамда легаллаштириш ҳисобига 724 миң нафар фуқаро жойлаштирилган.

Шунингдек, Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари томонидан жорий йилнинг 9 ойида 561 миң нафар фуқарога бандлик хизматлари кўрсатилган. Уларнинг 294,7 миң нафарига корхона ва ташкилотлар-

даги бўш иш ўринларига ишга жойлаштиришга кўмаклашилган. Шундан 166,7 нафарини аёллар, 100,1 миң нафарини эса ёшлар ташкил этади.

Қолаверса, жорий йилда "аёллар дафтери"га киритилган 425,8 миң нафар ишсиз хотин-қиз бандлигини таъминлаш белгиланган бўлиб, ҳозирги кунга қадар улардан 409 миң нафарининг бандлигига кўмаклашилган.

Бугунги кунда республика бўйича 1 200 миңга камбағал оила рўйхати шакллантирилиб, "Онлайн маҳалла" электрон платформасига киритилган. Йил якунига қадар республикамизда 127 миң 500 та оила камбағалликдан чиқарилиб, камбағаллик даражасини 12 фоизга тушириш чоралари қўрилмоқда.

Тадбирда парламент аъзолари ҳар бир вазирлик ва идоранинг 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар бажарилишига алоҳида эътибор қаратиши, йўл қўйилган хато, камчиликлар юзасидан аниқ ва қатъий чоралар қўриш бўйича тақлифлар берди.



Ўз навбатида, мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилишга қаратилган қўллаб-қувватлар бажарилаётгани ҳам алоҳида қайд этилди.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий сийсатининг асосий мақсади иш ўринларини кўпайтириш ва камбағалликни қисқартириш, — дейди Қонунчилик палатаси депутати Нодир Тилаволдиев.

Шу боис юртимизда бандлик дастурлари доирасида муайян ишлар амалга оширилди. Чунки одамлар ишли бўлса, аҳоли жон ботибга даромад кўпайса, ҳаётда

катта мақсадлар билан яшайди, оиласида тинчлик, ишида унум бўлади. Охири етти йилда аҳоли, аввало, ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш Президентимизнинг доимий эътиборида бўлиб, бу бўйича аниқ чора-тадбирлар рўйбга чиқарилди. Янги Ўзбекистондаги ислохотлар натижасини эса ҳар бир юртошимиз ўз ҳаётида хис қилиб турибди.

Тадбирда муҳокама этилган масала юзасидан келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

«МАҲАЛЛА БЮДЖЕТИ» МАБЛАҒЛАРИ ҚАНДАЙ МАҚСАДЛАРГА САРФЛАНАДИ?

Маълумки, жорий йил 25-26 октябрь кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан маҳаллабай ишлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш, жисмоний шахслардан олинмадиган солиқлар ҳисобига "Маҳалла бюджети"ни шакллантириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳолати Сурхондарё, Наманган ва Хоразм вилоятларида назорат-таҳлил тартибда ўрганилган эди.

Мазкур қўмитанинг кеча бўлиб ўтган йиғилишида ушбу ўрганиш якунлари муҳокама қилинди. Унда Иқтисодий ва молия, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирликлари, Солиқ қўмитаси масъул ходимлари,

Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган фаол маҳалла раислари, сийсий партия фракциялари аъзолари, ОАВ вакиллари, шунингдек, Сурхондарё, Наманган ва Хоразм вилоятлари масъуллари видеоконференция орқали катнашди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда кейинги йилларда маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ролини мустаҳкамлаш, тизимни босқичма-босқич ривожлантириш, унинг молиявий имкониятларини янада кенгайтириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, маҳаллага қўшимча куч ва имкониятлар тақдим этиляпти, ваколат ҳам, масъулият ҳам қуйи тизимга туширилмоқда. Президентимизнинг "Маҳалла

бюджети" тизимини жорий этиш орқали маҳаллаларнинг молиявий имкониятини янада кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги қарори билан биринчи марта ҳуқуқий эксперимент тарихида ҳар бир маҳалла ўзининг муаммоларини мустақил ҳал қилиши учун 2023 йил 1 январдан бошлаб кўрсаткичи паст бўлган туманларда "Маҳалла бюджети" тизими тарихида жисмоний шахслардан мол-мулк солиғи ва ер солиғининг ундирилиши белгиланди.

Йиғилишда назорат-таҳлил тартибидидаги ўрганишларда "Маҳалла бюджети" маблағлари маҳаллада иш ўрни яратадиган, аҳолининг оғирини енгил қиладиган лойиҳаларга йўналтирилиши белгилангани таъкидланди. Жойларда маҳалла ходимларининг солиқ йиғимларини йиғишда фаол қатнашаётгани, хусусан, Жарқўрғон туманида солиқ йиғими 1,6 фоизга ошгани маълум бўлди.

Шу билан бирга, жисмоний шахслардан мол-мулк ва ер солиғи бўйича ундирилган маблағларнинг 10 фоиз қисмини маҳаллалардаги жамғармаларга ўтказиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги номутоаносибликлар юзага келган, жамғарма маблағларини тасарруф этиш ва йўналтириш тартиб-

тамойиллари, умумий маблағни йўналишлар бўйича тақсимот қилиш йўриқномаси, низоми лари ишлаб чиқилмаган. Бу каби омиллар ушбу тизимнинг жойларда ижросини таъминлашда тўсиқ бўлмоқда.

Йиғилишда аниқланган муаммоларни бартараф этиш мақсадида ҳуқуқий эксперимент жорий қилинган туманда мол-мулк ва ер солиғи бўйича ундирилмадиган маблағларнинг 10 фоизини автоматик тарзда Иқтисодий ва молия вазирлигининг ахборот тизими орқали Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасига йўналтириш мақсадаги мувофиқлиги таъкидлаб ўтилди.

Депутатлар томонидан "Маҳалла бюджети" маблағлари маҳаллада аҳолининг оғирини енгиллаштирадиган лойиҳаларга сарфланиши, маблағларнинг ҳисобини юритиш ва назорат қилиш ҳамда мазкур жараёнда инсон омилини камайитириш ҳолда автоматик тизим яратиш бўйича тақлиф ва тавсиялар берилди.

Кун тартибидидаги масалалар юзасидан келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».



БИЗГА ТИНЧ ВА БАҲҚАРОР, МАНФААТЛИ ШЕРИКЛИК УЧУН ОЧИҚ АФҒОНИСТОН КЕРАК



2021 йил 15-16 июль кунлари Ўзбекистонда ташкил этилган "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзусидаги юқори даражадаги халқаро конференцияси Афғонистонда тинчликни эриштиришга қўмақлашиш бўйича халқаро саъй-ҳаракатларга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Ушбу халқаро тадбир Афғонистондаги тинчлик ва барқарорлик минтақаларо алоқаларини ривожлантиришда муҳимлигини яна бир бор тасдиқлади.

2022 йил 25-26 июль кунлари Тошкентда ўтказилган "Афғонистон: хавфсизлик ва иқтисодий тараққиёт" мавзусидаги халқаро конференцияси Афғонистондаги тинчлик ва барқарорлик минтақаларидида 20 дан ортиқ давлатларнинг юқори даражадаги вакиллари Афғонистонда барқарорликни мустақкам ўрнатиш муаммоларини ҳал этиш мақсадида йиғилди. Унда ўнлаб халқаро ва минтақавий ташкилотлар, жумладан, БМТ, Европа Иттифоқи, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Ислам ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти раҳбарлари ва нуфузли вакиллари, шунингдек, Афғонистон муваққат ҳукумати делегацияси иштирок этиди. Шу билан бирга, қатор танқидчи олимлар, сиёсатшунослар, экспертлар конференция ишини кузатиб, шарҳлаб бориб. Бу Тошкент анжуманининг халқаро майдонда гоҳ долзарб муаммога бағишланганини яққол кўрсатди. Президентимизнинг ушбу конференция иштирокчиларига Муражоти Афғонистоннинг замонавий шароитдаги сиёсий иродасини, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги гоҳ катта мавқеини намоён қилди.

Тарихий тақдир ва глобал манфаатлар тўқнашуви афғон халқининг кейинги салкам ярим асрлик тараққиётига қучли зарба берди. Бугун мамлакатни инқирозга учратиб, ҳар ёқасига олиб келди. Мамлакатда мавжуд ижтимоий оммилар ички можароларнинг қучайиб кетишига сабаб бўлди. Бирок афғон можароси — мамлакатнинг ички муаммоси эмас. Гео-сиёсий нуктаи назардан Марказий ва Жанубий Осиё давлатларини бир-бирига боғлаб турадиган, жуда катта транспорт коммуника-

цияси имкониятига эга бўлган бу ўлкадаги беқарорлик бир неча ўнлаб давлатларнинг иқтисодий, савдо ва маданий алоқаларига, бутун Осиё минтақаси тараққиётига салбий таъсир кўрсатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Афғонистон бугунги кунда ҳам жаҳон ҳамжамиятида гео-сиёсий, иқтисодий ва маданий нуктаи назардан кенг имкониятларини сақлаб қолмоқда. Жумладан, у Марказий Осиё давлатларини Хинд океанига қадар бўлган улкан худуд билан боғлаб турувчи халқаро транзит йўлига тақдим этиши мумкин. Бир қатор хоржий давлатлар Афғонистонда йирик лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдор эканини билдирмоқда. Хусусан, Туркменистон — Афғонистон — Покистон — Хиндистон қазуврини ўтказиш ҳозирги замоннинг энг катта лойиҳаларидан биридир. Ушбу лойиҳа амалга оширилса, табиий газ экспортда энг самарали магистралга айланади.

2021 йили Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Термиз шаҳрида БМТ шафелигида Афғонистонга ёрдам қабул қилиш ва уни етказиб бериш бўйича халқаро логистика маркази иш бошлади. Бу Афғонистон билан чегара яқинида жойлашган ягона терминал. Унинг майдони 40,7 гектарни ташкил этади. Биргина 2022 йилнинг биринчи ярмида Термизда ўз ваколатхоналарини очган Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури, ЮНИСЕФ ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қочқинлар бўйича Олий комиссари идораси томонидан Афғонистонга 35 минг тоннадан ортиқ гуманитар ёрдамлар жўнатилди.

Ўзбекистон Афғонистон учун мамлакат иқтисодиётини тиклаш учун зарур бўлган миллий кадрларни тайёрлашга ҳам қўмақлашмоқда. Хусусан, 2018 йилда Термиз шаҳрида афғон фуқаролари учун ўқув маркази ишга туширилди ва бугунги кунда ҳам ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Бу афғонларни 17 та олий ва 16 та ўрта махсус, касб-хўнар таълими йўналишлари бўйича ўқитадиган дунёдаги ягона муассасадир. Ҳозирги пайтда марказда 129 нафар афғонистонлик ўқитилмоқда, улар ўқини аллақачон битирган ватандошлари билан бирга ўз мамлакатларини қайта тиклашга муносиб ҳисса қўшишларига шубҳа йўқ.

Ўзбекистон Афғонистонда йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишни қўллаб-қувватлайди. Хусусан, Сурхон — Пули-Хумри электр узатиш линиясининг қурилиши Афғонистонга йилга 6 миллиард кВт/соат электр энергияси етказиб бериш имконини беради. Бу эса мамлакат эҳтиёжларини ўқдан бир қисмига тенг. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши туфайли Афғонистондаги 500 минг оила, ижтимоий инфратузилма ва иқтисодиёт тармоқлари электр энергиясидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Ўз навбатида, Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар темир йўли қурилиши лойиҳасининг

амалга оширилиши Хайратон — Мозори-Шариф темир йўлининг мантқиқий давоми бўлиб қолади ва Покистон ҳамда Хиндистон темир йўлига, шунингдек, Араб денгизи бандаргоҳларига (Гвадар, Карачи, Касим, Мумбай ва бошқалар) чиқиш имкониятига эга янги ва энг қисқа транзит йўлакларини шакллантириш имконини беради. Қисқача айтганда, Ўзбекистон, Афғонистон ва Покистонни ўзаро боғлайди.

785 километр электр таъминоти линиялари, 790 километр алоқа линиялари, 1000 дан ортиқ янги сунъий иншоотлар (кўприklar, туннеллар, станциялар) қуришни назарда тутадиган ушбу минтақаларо темир йўл лойиҳасининг амалга оширилиши Афғонистонда темир йўл бўйлаб транспорт ва тегишли инфратузилмани ривожлантиришга қўмақлашади. Наттижада ярим миллиондан ортиқ янги иш ўринлари яратилади. Бу

сиёсий, хавфсизлик қафолатланмагани жамиятда иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-руҳий инқирозни чуқурлаштириб юборган.

Ўзбекистон — Афғонистон ҳамжамияти узоқ тарихга эга. Бизни қадимий маданиятимиз, яқин кўшничлик муносабатларимиз, турмуш тарзимизда бефарқ эмаслигимиз, бир-биримизнинг утуқларимиздан манфаатдор эканимизни хаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Буни Президентимиз кўп марта таъкидламоқда. Жумладан, БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида давлатимиз раҳбари "Бизга тинч ва барқарор, минтақавий ҳамкорлик жараёналарида иштирок этадиган, қўшнилари ва бошқа

парварлик нуктаи назардан муносабатда бўлишга чакирлади.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати гоҳ тинчликсевар, халқларвар ва адолатли. Давлатимиз раҳбари Тошкентда ўтказилган "Афғонистон: хавфсизлик ва иқтисодий тараққиёт" мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига Муражотида "ҳозирги пайтда Афғонистон Муваққат ҳукумати мамлакатда тинчликни қарор топтириш бўйича муайян қадамлар қўймоқда, ижтимоий-иқтисодий вазиятни яқинлашга, қўшни давлатлар билан дўстона алоқалар, халқаро ҳамжамият билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга ҳаракат қилмоқда. Биз ушбу саъй-ҳаракатларни рағбатлантиришимиз ва қўллаб-қувватлашимиз зарур", деб Афғонистонга доир турли қарашлар ва ёндашувларни йўналштиришга, жаҳон ҳамжамиятининг бир-бирига зид муносабатларини оқилона йўналтиришга даъват этди.

Давлатимиз раҳбарининг қақриқлари, биринчидан, жаҳон ҳамжамиятини Афғонистондаги ҳозирги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазиятни мувофиқлаштириш, мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириш, афғон халқига зарур даражада инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ва оқилона сиёсий консенсус чораларини қўриш; иккинчидан, Афғонистон ҳукуматининг инсон ҳуқуқларига доир халқаро меъёrlарга риоя қилишга очик мулоқотни йўлга қўйиш, миллий ярашув жараёнини самарали яқунлаш ва халқнинг фаровон, саодатли истиқболли таъминлашда чора-тадбирларни ишлаб чиқиш; учинчидан, Афғонистон муваққат ҳукумати томонидан ушбу мамлакатда қўшни ва бошқа давлатлар хавфсизлигига, қолаверса, умумжаҳон хавфсизлигига таҳдидларга йўл қўймасликка доир мажбуриятларни тасдиқлаш; тўртинчидан, Афғонистоннинг чет элдаги молиявий активларига қўйилган чекловларни бекор қилиш, шу орқали мамлакат худудидида хавфсиз ва барқарор транспорт коммуникацияси, энергетика, қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантиришга кенг имконият яратишга йўл очди.



Мамлакатга ташриф буюраётган сайёҳлар оқимининг кўпайгани, қўллаб янги меҳмонхона ва рестороанлар очилаётгани, шаҳарлардаги транспорт тизимининг такомиллашгаётгани, ўтказилган фестивал ва тадбирлар сонининг, сифатининг ошгани соҳадаги ҳаётбахш ислохотлар натижаси, десак, адашмаймиз.

Шу ўринда замонавий андозлардаги рестороан ва меҳмонхоналарнинг кўпайиши сайёҳлар оқимининг кенгайгани билан изоҳланишига ургу беришни истардим. Чунки бу тармоқ жуда нозик бўлади. Барқарор миқозлар оқими бўлмас, бундай масканлар тез орада ёпилиб кетишига маҳкум.

Иқтисодиётнинг талаб ва тақлиф қонуниятидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда туризм жадал ривожланмоқда. Масалан, мен ўзим бу ўзгаришларга гувоҳ бўлаётган бир мутахассис сифатида Ўзбекистонда қўллаб тарихий ёдгорликларнинг таъмирланаётганидан мамнун бўлдим. Чунки улар нафақат сайёҳларни жалб этади, балки келажақ авлодга мерос бўлиб қолади. Узоқ ўтмишда рўй берган воқеаларга гувоҳ бўлган обидалар Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ҳақида сўзлайди.

Яқинда Самарқанд ва Бухорога саёҳат қилмоқчиман. Ушбу қадимий кентларда ўрта асрларга оид кўк гумбази обидалар, ёйма бозорлар, Буюк Ипак йўли жозибаси, ноёб архитектура намуналари ҳар қандай кишини сеҳрлаб қўяди. Тарих, санъат, адабиёт, мусика, архитектура, бетакор ландшафтлар, худуднинг табиий табиати туристларни ўзига қорлашга ишончликомил.

Ўзбекистоннинг тарихий Буюк Ипак йўлидаги стратегик жойлашуви, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, қадрлашга асосланган ички ҳамда очиклик ва прагматизмга таянган ташқи сиёсати ҳам жаҳон ҳамжамиятининг Ўзбекистонга қизиқишини оширмоқда.

Марказий Осиёдаги энг аҳолиси кўп мамлакат — Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан сиёсий тизимни либераллаштириш, бозор иқтисодиётини барқарорлаштириш, минтақда ва халқаро майдонда интеграцияни мустақкамлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ишончликомил, ҳар томонлама манфаатли ҳамкор саналадиган Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига дадил кириши нафақат Қозогистон, балки бутун дунё учун аҳамиятли. Мамлакатда барча соҳада амалга оширилган туб ўзгаришлар, ху-

Президентимизнинг Афғонистонга доир келишувчилик ва яқин қўшничлик сиёсати ўзининг сиёсий ва тарихий моҳияти билан жаҳон ҳамжамиятини, давлат ва сиёсат арбобларини, халқаро ташкилотларни афғон муаммосига инсонпарварлик нуқтаи назаридан муносабатда бўлишга чакиради.

минтақанинг 15 миллионга яқин аҳолиси турмуш даражасини яхшилаш учун жуда катта имконият бўлиш билан бир қаторда, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига туртки беради, можароларнинг ижтимоий заминини бартараф этади. Энг муҳими, Афғонистоннинг Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги боғловчи бугун сифатидаги тарихий ролини қайта тиклайди.

Афғонистон улкан ишлаб чиқариш имкониятига эга. Унда жуда катта нефть ва газ захиралари мавжуд. Бундан ташқари, Афғонистонда мис, қимматбаҳо тошлар, уран ва бошқа конлар ҳам топишган. Бошқача айтганда, ушбу мамлакатда Менделеев жадалдаги барча элементларни топиш мумкин. Ана шу улкан табиий бойликдан фойдаланишга бу ерда хавфсизликнинг қафолатланмагани, турли қуролли тўқнашувлар ва жангу жадаллар мавжудлиги монелик қилиб келди. Бунинг оқибатида мамлакатда ишсизлик жуда юқори даражага чиқди. Аини пайтда аҳолининг 35 фоизи фойдали меҳнат билан шуғулланмайди. Ичимлик суви етишмаслиги, ёқилги энергетикаси танқислиги, таълим ва тиббий хизмат даражаси қоникар-

мамлакатлар билан ўзаро манфаатли шериклик учун очик Афғонистон керак", деган эди. Ўзбекистон Президенти БМТнинг юксак миқбарадан туриб дунё ҳамжамиятини Афғонистон муаммосини ҳал этиш йўлида бirlашшига ва бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолигида Афғонистон бўйича биргаликда ишлаб чиқилган, вазиятга мослашувчан ва конструктив позицияни белгилашга чакирганиди.

Узоқ ўтмишда буюк силжншларга, Ренессанс ҳодисаларига, шонли давлатчилик тақрибаларига эга бўлган, жаҳон фани, маданияти, адабиёти ва санъатига қучли таъсир ўтказган халқ ўз тақдирини ўзи ҳал қилишга қодир. Халқимизда "Қўшни танланмайди, қўшини Худо беради", "Қўшини тинч — сен тинч" деган пуржикмат мақоллар бор. Бу ҳаётий ҳақиқат асрлар мобайнида исботини топган. Бугун эса яна ҳам долзарблик касб этмоқда. Президентимизнинг Афғонистонга доир келишувчилик ва яқин қўшничлик сиёсати ўзининг сиёсий ва тарихий моҳияти билан жаҳон ҳамжамиятини, давлат ва сиёсат арбобларини, халқаро ташкилотларни афғон муаммосига инсон-

Кўтбидин БУРҲОНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.

КОНСТИТУЦИВЙ ЯНГИЛИШЛАР ЮРТ РАВНАҚИ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН

Мазкур Конституцивй конун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим конун ҳужжатларига Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутатлари сайловини аралаш сайлов тизими (мажоритар ва пропорционал) асосида ўтказиш, сайлов органларининг марказлашган тизимини шакллантириш, сайлов комиссиялари тизимини мақбуллаштириш ҳамда Марказий сайлов комиссияси фаолиятини такомиллаштириш назарда тутувчи ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, сайлов округлари бир мандатли ва ягона сайлов округларига ажратилмоқда. Қўнунчилик палатасининг 75 нафар депутати мажоритар сайлов тизими асосида бир мандатли сайлов округларидан, қолган

75 нафари пропорционал сайлов тизими (номзодлар рўйхати) асосида сиёсий партияларга берилган овозлар бўйича ягона сайлов округидан сайланиши белгиланади. Ягона сайлов округида депутатликка номзодлар сиёсий партиялар томонидан номзодлар рўйхати асосида тақдим этилиши кўзда тутилди.

Давра сўхбати иштирокчилари кейинги йилларда мамлакатимизда, хусусан, Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, худудни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларга ҳам эътибор қаратди.

Таъкидланганидек, Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада

ривожлантириш масаласи давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлиб, бу борада қатор амалий ишлар бажарилмоқда. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан Тошкент шаҳрининг ҳар бир маҳалласига 2 млрд. сўм маблағ ажратилгани уларнинг обод бўлишига, аҳолининг фаровон яшашига хизмат қилмоқда.

— Кейинги йилларда Тошкент йирик мегалополис шаҳарга, яшаш учун энг қулай худудга айланмоқда, — дейди Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутати Нодир Жумаев. — Бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, янги йўллар ва кўприklar қурилмоқда, жомоат транспорт йўналишлари кўпайтирилмоқда. Ер усти метроси қурилди. Битта метро орқали бутун шаҳарни айланб чиқиш имконияти

яратилди. Қисқача айтганда, пойтахтнинг ижтимоий инфратузилмаси ва архитектура қиёфаси янада яхшиланди.

Давра сўхбатида иштирокчилар томонидан берилган саволларга батафсил жавоблар ва ҳуқуқий тушунчалар берилди.

Тадбирдан сўнг Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари "Яшил макон" умумийлиги лойиҳаси доирасида Олмазор туманидаги 219-мактаб ва 15-оилавий поликлиника худудларида мевали ҳамда манзарали дарахт қўчатларини еқшиди.

Бу каби тадбирлар пойтахтимизнинг бошқа туманларида ҳам ўтказилади.

«Халқ сўзи».

ИХТ:

ЭЛЕКТРОТЕХНИКА БЎЙИЧА САРМОЯВИЙ ҲАМКОРЛИК ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАДИ

Бугунги кунда мамлакатимизда электротехника соҳаси жадал ривожланиб бораётган. Бунинг учун кейинги йилларда бевосита давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мазкур тармоқда қулай тадбиркорлик муҳити яратилди. Шу боис сўнгги тўрт йилда бу борадаги фаолият тез суръатларда юксалиб бормоқда. Мамлакатимизда электротехника соҳасини ривожлантириш стратегиясига кўра, жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажми 2 миллиард доллардан ортиши ҳамда экспорт ҳажми 1 миллиард долларга етказилиши мақсад қилинган. Наттижада ўсиш қурбатчилиги атиги бир йил олдинги даврдангина нисбатан 25 фоизга ошгани таъминланди.

Аини пайтда ихтисослаштирилган корхоналарда ишлаб чиқарилаётган 200 турдан зиёд тайёр

электротехника маҳсулотлари дунёнинг 65 га яқин давлатларига экспорт қилинмоқда. Ҳозирда экспорт географиясини кенгайтириш бўйича тизимли ишлар давоми эътирилиб, аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Бугун юртимизда иқтисодиётнинг барча соҳаси учун керакли бўлган кенг ассортиментдаги кабель-сим маҳсулотлари, қучланиш қурилмалари, электротехника ускуналари ҳамда халқ истеъмолий маҳсулотлари сирасига кирувчи замонавий маийш тухникалар ишлаб чиқарилади. Бундай қувватлар энг замонавий технологиялар асосида жаҳонга машҳур бренд компаниялар ҳамкорлигида ташкил этилган. Шу сабабли, эндиликда Ўзбекистоннинг электротехника маҳсулотлари Марказий Осиё бозорининг асосий улушини қўлга киритиб, сифати ва

ишончилиги туфайли МДХ худудидида ўзи мавқеини жадаллик билан мустаҳкамлаб бормоқда.

Бу борада ИХТга аъзо давлатлар билан электротехника соҳасида савдо-иқтисодий ва сарможий ҳамкорлигимиз тобора фаолашланишга қаратилган. Қирғизистонда ишлаб чиқаришда кенг қўлабдан амалга оширилаётган эътиборга лойик, Хусусан, Туркиянинг "Одул", "Фемас", "Кабмак" ва бошқа йирик компаниялари билан биргаликда ўнлаб турдаги маийш техника ҳамда кабель маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳалари ҳаётга таътиб қилинди. Эндиликда янги қувватларни ишга тушириш бўйича ҳамкорлик иччил давом эътириллаётган.

Шу билан бирга, қўшни Тожикистон ва Қирғиз Республикала-

рида ишлаб чиқариш қувватлари йўлга қўйилди. 15 миллион доллар инвестиция киритиш орқали Тожикистонда йиллик қуввати 150 минг донна кенг турдаги маийш техника маҳсулотлари, яъни музлаткич, чанготкич, телевизор ва сув иситиш қурилмалари ишлаб чиқаришмоқда. Қирғизистонда эса йилга 20 минг донна кир ювиш машинаси ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган қўшма корхона ташкил этилди ва истиқболли лойиҳа учун 10 миллион доллар инвестиция киритилди.

Умуман олганда, ҳозирги кунда ИХТга аъзо давлатлар билан сарможий алоқаларни ривожлантириш ҳамда хоржий шериклик асосида саноат кооперациясини чуқурлаштириш мақсадида умумий қиймати 93 миллион доллар бўлган 4 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш жараёни давом этмоқ-

да. Бу лойиҳалар Қозогистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Озарбайжонда ишга туширилади.

Электротехника соҳасида ИХТга аъзо давлатлар билан савдо-иқтисодий йўналишда, хусусан, маҳсулотлар экспорти борасида ҳам ҳамкорлигимиз жадал ривожланипти ва бунда барча аъзо мамлакатларнинг катта қизиқиши ҳамда манфаати бор. Утган йили ИХТга аъзо мамлакатларга 486 миллион долларга тенг электротехника маҳсулотлари экспортга чиқарилган бўлса, жорий йил якуни билан ушбу қурбатчилиги 547 миллион доллардан ошириш мақсад қилинган.

Тошкент саммитида дунёда электротехника соҳасининг ривожланиш тенденциясини инобатга олган ҳолда, ИХТ платформаси доирасида ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболли



йўналишлари бўйича муҳим ташаббусларни йилга сурдик.

Биринчи йўналиш — бу мис хомашёсини чуқур қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ўзлаштиришга қаратилган лойиҳаларни ўзаро ҳамкорликда амалга ошириш.

Иккинчи йўналиш — жадал ривожланаётган мукобил энергетика тизимида қўлланиладиган

сусан, бизнес юритиш учун қўллаб имкониятлар яратилаётгани, солиқ тизимидаги ва рақобатни ривожлантиришга қаратилган улкан янгиланишлар жаҳоннинг турли минтақаларидан туристлар ва инвесторларни бир ерга жалб қилмоқда.

Ўзбекистон эришаётган ютуқлар шуларгина эмас. Мамлакатда инсон ҳуқуқлари ва оммавий ахборот воситалари соҳасидаги вазият тубдан ижобий томонга ўзгарди, болаларни ишга ёллаш ва мажбурий меҳнат бартараф этилди, инсон ҳуқуқларига оид стратегия қабул қилинди. Аввал блокпаган ахборот сайтлари тақиқдан чиқарилди, хоржий ОАВ учун аккредитация очилди. Жомоатчилик фикри пайдо бўлди, амалдорларнинг бу фикр билан ҳисоблашмаслиги мумкин бўлмади қолди. Кейинги 6-7 йилда оддий ўзбекистонликлар мамлакат ичкарисидаги жараёнларга дахлдорлик ҳиссини фаол намоён этмоқда.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти, биринчи навбатда, қўшни давлатлар билан ҳамкорликка, ўзаро ёрдам, тинчлик-тотувлик асосидаги дўстона муносабатни мустақкамлаш ҳамда ривожлантиришга интилиши қўллаб-қувватланапти. Дарҳақиқат, ўзаро манфаатли муносабатни ривожлантиришга устувор аҳамият берилиши орқали минтақда сиёсий мулоқот ва ўзаро ишонч мустаҳкамланди. Расмий Тошкентнинг қўшни давлатлар билан ўзаро ҳамкорлигини мустақкамлашда сезиларли муваффақиятлар қайд этилди, сувдан фойдаланиш, давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш, чегарадан ўтиш, минтақавий микёсда транспорт коммуникацияларидан фойдаланиш каби мураккаб масалаларга ечим топилди.

Дунё давлатлари, хусусан, Европа, Америка, Кавказ, Жануби-Шарқий Осиё минтақалари, Араб давлатлари, Хиндистон ва бошқа мамлакатлар билан сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, ижтимоий-гуманитар ва стратегик ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Фаол ташқи сиёсат Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътиборини ошириш борабарда Марказий Осиёни барқарор, улкан имкониятга эга жозибали минтақадга айлантиришга хизмат қилмоқда.

Шунинг учун кейинги пайтларда Қозогистон матбуотида дунёнинг, унинг тарихи, маданияти ва замонавий тараққиёти ҳақида ҳўқия қилувчи материаллар кўпайган. Хусусан, хоржиқликлар учун виза тартибини енгилаштирилгани, миллий иқтисодиётни диверсификация қилиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилаётгани ҳақидаги мақолалар Ўзбекистонга сафар қилмоқчи бўлган сайёҳлар ва сармоия киритмоқчи бўлган инвесторлар эътиборини ўзига тортмоқда. Бошлаган ислохотлари туфайли Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев номи дунё тарихидан ўрин олади.

Валерий СУРГАНОВ, «Ведомости Казахстана» нашри бош муҳаррири.

Мирзиёев ЮНУСОВ, «Узлтехсанот» уюшмаси бошқаруви раиси.

ХАЛҚ ҚАЛБИНИНГ ОТАШИН КУЙЧИСИ



Юртимиз маънавий ҳаётида бахшичилик санъатининг ўзига хос ўрни бор. Ушбу санъат ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий меросни асраш ҳукуматлараро қўмитаси томонидан Инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилгани бежиз эмас. Бахши, жиров, оқинларнинг дoston ва термаларида инсонни инсон сифатида намоён қиладиган энг эзгу туйғу ва қадриятлар тараннум этилади.

Президентимиз таъбири билан айтганда, ҳаётнинг жонбахш садоси каби янграйдиган бу куй-қўшиқлар бугунги долғали замонда бизга одамзод наслининг ўзаги бир экани, банибашар ягона томирдан тарқганини ахтариб, Ер юзидаги барча миллат ва элатларни бир-бирини тушуниб, ҳамжихат ва ҳамкор бўлиб яшагача давват этиши билан айниқса, қадрийдир.

Улуғ сиймолар ёди

Кейинги йилларда мамлакатимизда ушбу қадимий санъат турини асраб-авайлаш, бахши, жировлар мактаблари, уларнинг асл маънавий индизларини, “Устоз — шогирд” анъаналарини тиклаш, янги раҳнада изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган. Жумладан, юртимизда ЮНЕСКО шафелигида ҳар икки йилда Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш яхши анъана тусига кирди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан халқимиз маданияти, маънавий юксалиши учун катта меҳнат қилган инсонларни эъзозлаш, ушбу эзгу йўлга умрини бағишлаган фидойилар хотирасини абадийлаштиришга қаратилган ишлар силсиласида бахши-оқинларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бу дунёдан ўтган ижодкорларнинг ёдини улуғлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2017 йилда юртимизнинг буюқ оқинлари ҳисобланган тўрт бахши — Исломо шoir, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ва Пўлкан шoir Жонмурод ўғлининг ҳайкаллари реставрация қилиниши, кўчаларга ижодкорлар номи берилиши, уларнинг меросини ўқиб-ўрганиш, келажак авлодга беизб етказиш мақсадида амалга оширилаётган хайрли ишлар сўзимиз исботи.

Завол билмас хазина

Дарҳақиқат, ушбу бахшиларнинг асарларини ўқиб-ўрганиш чоғида бу хазина завол билмаслигига, асрлар оша юракларга эзгулик бахш этиб, жаранглаб туришига яна бир бор амин бўламиз. Жумладан, Пўлкан шoir ижодининг боқийлик сирларини ўқиган интилар эканмиз, ҳар бир эпик қаҳрамонига — Алпомиш ва Барчин, Гўрўғли ва Юнус пари, Қиронхон, Якка Аҳмад, Соқибулбул, Ҳасанхон, Авазхон, Равшан ва Зулмуор — барча-барчасига жон бағишлаганини аниқлаймиз.

Пўлкан шoir куйлаган анъанавий дostonларига эмас, балки термалар ҳам бевоСИТА содир бўлаётган воқеа жараёнида, иштирокчилар билан юзма-юз мулоқот самараси ўлароқ, дўмбира жўрлигида бадихатан яратилган. Бу бахши халқ бирлиги ва Ватан шарафига йўлида ҳақ, эзгулик курашичи бўлиши керак, деган ўлмас ҳикматнинг ҳаётини ифодасидир. Масалан, кучайиб бораётган жанжални тинчатиб, чавандозлар кўнглидаги кекки аҳилчилик ўзгартирган, улар дўстлигини тиклаб, “юракнинг қайғуман занги кетиши”га хизмат қилган “Бургансой кўпкариси” термаси ҳақида айни фикрни айтиш мумкин.

Бу термининг тарихи шундай: 1936 йили Хатирчида, Бургансойдаги Урта қишлоқда яшовчи Болибой сори тўй қилиб, шу яқиндаги тепалик адирга туташ кенгликларда кўпқари уюштирган. Унда эл-юртда донг қозонган полвонлар иштирок этган. Адир устида кўпқарини томоша қилиб турган одамлар орасида отлик Пўлкан шoir ҳам бор эди. У 9 ёшли ўғли — Умарқулни отига мингаштириб олганди. Кўпқари кизигандан қизмоқда. Лекин бирдан тўполон бошланади. Кимдир улоқни тақими остига олаётган чавандоз отининг айлини кесиб юборган... Буни кўрган бир полвон у номарднинг бошига қамчи солган. Улоқчилар икки тарафга бўлиниб, бири-бирининг “ақлини киритиш” учун муштбозлик, қамчибозлик қилишган... Шунда Пўлкан шoir от устида, адирдан майдонга тушиб келиб, дўмбирасини чертиб, терма тўқиб, улоқчиларнинг сардорларига навбатма-навбат юзланиб, уларни инсофга чақиради:

Уруғ-уруғ, тортиш-тортиш, ажабо...

Шoirнинг қўшиғида халқ бирлиги гоёси бутун эл-юртнинг, Ватаннинг олий макомини белгиловчи маънавий куч сифатида намоён бўлади:

**Аслин билсанг — бир элат ўзбакмиз,
Томир бойласан бир туп ўзакмиз,
Туп бўлибди бугун Бургансойда.**

Тўғридан-тўғри ўзига атаб айтаётган қўшиқ қони қайнаб, жаҳли келганда ақли кетиб турган полвонларнинг ҳушини ўзига келтиради, тарафкашлар кўнглидаги гўборни ювади, газаблар босилади, кўпқари ҳам, тўй ҳам хайрли ниҳонсига этади. Бу кечаю кундуз илҳомий ҳолатда яшаган халқ шoirининг салбий таъсирдан руҳий мувозанатини йўқотган кишиларга ўз вақтида берган мадади — маънавий йўлчи юлдуз қўшиғи қанчалик ҳаётбахш кучга эга эканини кўрсатувчи унутилмас мисолдир. Бургансой кўпкарисида иштирок этган ва Пўлкан шoir қўшиғидаги қаҳрамонлардан бирига айланган чавандоз полвонлар айни бадиха термининг фалсафий-эстетик ўзаги — ушбу куйма мисраларни умр бўйи унутмай, давраларда такрорлаб юрганлари бор гап:

**Ҳақ томоша кўрсат, алларим,
Ҳақ кўнглига соймади вақим,
Ҳақ кўнглилар келибди Бургансойга.**

Бу воқеани ва термани гувоҳлар хотираси асосида ёзувчи, журналист, фольклоршунос Раҳим Қодир “Пўлкан шoir ибрати” китобида тикладики, унинг бу садокатли ижодий меҳнати самараси Пўлкан шoir мерос-ҳазинасида ўз муносиб ўрнини эгаллади.

Назаримизда, улуғ дostonчининг невараси — шoir ва фольклор тадқиқотчиси Амиркул Пўлкановнинг: “Пўлкан шoir янги асарлари билан ўз ҳамкасблари орасида эпик асарда прототип заминиди бадий образ яратишга, дostonчиликда реалистик методни қўллашга асос солганлардан бири бўлди, бутун ижодий фаолияти давомида уни ривожлантиришга, юксалтиришга интилди”, деган фикри ҳаққонийлигини “Бургансой кўпкариси” термаси ҳам намоён қилиб турибди.

Пўлкан шoirнинг ушбу бадиха термаси эътиборимизни она тилимиз бойлиқларининг рўёби ўлароқ, азал-азалдан яшаб келаётган фольклоримиз, жумладан, анъанавий дostonларимиз ва уларнинг ижодкорлари, ижрочилари билан боғлиқ маънавий, бадий ҳодисалар сари тартади.

**“ Пўлкан шoir куйлаган анъанавий дostonларига эмас,
балки термалар ҳам бевоСИТА содир бўлаётган воқеа
жараёнида, иштирокчилар билан юзма-юз мулоқот
самараси ўлароқ, дўмбира жўрлигида бадихатан яратилган.
Бу бахши халқ бирлиги ва Ватан шарафига йўлида ҳақ,
эзгулик курашичи бўлиши керак, деган ўлмас ҳикматнинг
ҳаётини ифодасидир.”**

Жонахон халқимиз узоқ асрлар оша миллий ўзлигимизнинг йўлловчиси ва кўлловчиси, жаҳонроқ тан олинган она тилимизнинг яратувчиси ва эгасидир. Бутун инсониятнинг, чунончи, ўзбек халқининг барча фазилатини, аввало, унинг тилини жонли ва ҳаққоний тарзда намоён қилади. Ҳар бир халқнинг фарзандини, касб-коридан қатъи назар, она тили тозаллигини бедахл сақлаш, янада ривожлантириб, бойитиб бориш, миллий ва албатта, умумбашарий маънавият сахнасига ибрат бўлгучи жонли ижод муҳассами сифатида олиб чиқиш мақсади эртақчиға, қўшиқчиға, лаларчиға, ўланчиға, термачиға, мақолчи ва маталчиға, топишмоқчиға, лофчиға, латифачиға, қизикчиға, аскиячиға, нақлчиға, ривоятчиға, дostonчиға айлангаради.

Фольклор, халқ ижодкорлари, хусусан, бахши-шoirлар ҳақида атоқли адибларимиз билдирган фикр-мулоҳазалар, таъриф ва таҳсинлар ҳам бу ҳаётини ҳақиқатни тасдиқлайди. “Алпомиш” дostonининг Фозил Йўлдош ўғли муқобилининг биринчи нашрини тайёрлаган улуғ шoirимиз Ҳамид Олимжоннинг ушбу боқий қаҳрамонлик эпосимиз маънавий ва бадий аҳамиятини мақол ихчамлиги ва донолиги билан ифодалаб берган сўзбоши — мақоласи, буюқ шoirимиз Гафур Гуломнинг ўзига хос тадқиқоти — Ўзбекистон ёзувчиларининг катта анжуманларидан бирида миллий фольклоримиз тўғрисида қилган маърузаси, шубҳасиз, фольклоршунослар учун ҳам, халқ озғани ижоди илҳосмандлари учун ҳам ҳар қуни зарур ўғитлар бўлиб яшаб келмоқда.

Жумладан, Қўрғон дostonчилик мактабининг устоди ва ҳазинабони деб аталган Жоссоқ шoirнинг шогирди — Пўлкан шoirни хотирлар экан, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсин: “Халқ озғани адабиётимиз беқисс бой хазинага эга. Ундаги ана шу беқисслик бўлмаганида ҳозирги гўзал адабиётимиз бу қадар юксалмаган бўларди... Буюқ бахшилар сафиди Пўлкан шoirнинг ўзига хос жиҳатлари бор, — деб эътироф этган эди. — Айниқса, унинг билликлилиги, ҳофизасининг кенглиги... Ахир етмишдан зиёд дostonни ёддан куйлаш ва уларга жило бериб, бизгача етказиб беришдаги хизматларини унутиб бўладими?!”

Юксак бадий маҳорат ифодаси

Пўлкан шoirнинг бадий маҳорати, тафаккур ва тасаввур оламининг кенглиги ҳақида гап кетганда, у куйлаган “Қиронхон” дostonи ёдга тушади. Мазкур асарда келтирилишича, Дўрмон мамлақати подшоиси Алихоннинг юрагини бефарзандлик алами ўртади. У қўл остидаги амалдорларининг маслаҳати билан азизларининг турбатларини зиёрат қилиб, фарзанд тилайди.

Ниҳоят, бир бузрукхонада “Сахар вақти ётиб эди, бир туш кўрди. Ҳўжайи Хизр, Илёс тушига кирди. У: “Икки фарзанд берди, ўғлингнинг отини Қиронхон кўйгин, қизингнинг отини Оқбилак кўйгин”, деб айтди. Алихонга бир муносиб ёр топиш умидида, вазир совчиллигини давом эттириб, “Бир лочик, вайрона жойларнинг олдиға етди. Фўнгиллаган шовқинни эшитди. Шундай қараса, бир кампирнинг уч қизи ўтирган эди, кўрди. Шунда Боймуҳаммад: “Булар нима сўзлар экан?” деб турса, энг каттаси айтдики: “Агар мен подшонинг давлатхонасида бўлсам, турли таомни тортсам, кесган ошларни ўхшатиб кессам”. Уртанчи қиз айтди: “Ош кесиб, ош торганда, мен турли кийимни кимхоблардан бичсам, тикиб, катта бекларнинг устиға ёпсам”. Шунда кичкина қиз айтди: “Кўргандан гапирайми, кечиргандан гапирайми?”. Анда қизлар айтди: “Кўргандан гапир”. “Ана мен кеча ётиб бир туш кўрдим, тушимда Алихон подшоини йўлдош кўрдим. Бир ўғил, бир қиз кўрдим. Ўғлимнинг отини Қиронхон, қизимнинг отини Оқбилак кўйибман. Қиронхон қўлида довот-қалам, қиблага қараб муножот қилиб ўтирибди”. Бу гапни Боймуҳаммад вазир эшитди”.

сеҳрдан қутқазганию жами бошқа воқеаларни келтириб чиқарган — биз юқорида: бошқа дostonларда учрамайди, деб таърифлаган тоза ва беандоза ривож йўли — янги мотивнинг бадий самараларидир.

Алихон подшо Бўтакўзи зиндондан чиқариб келиш учун саройнинг нуфузли аёлларини юборади. Аммо у зиндондан чиқмайди. “Номаяқул қилибсизлар. Мени чиқарадиганнинг ўзи келиб чиқариб олади, — деди”. “Алихон подшо зиндоннинг бошиға келиб, Бўтакўз оймаға қараб, бир сўз айтди:

**...Энди бўлсин юракларнинг ҳаваси,
Топлади, қаддингдан, дардинг давоси.
Биздан ўтса, тавба қилдик, Бўтакўз,
Энди бўлдинг Дўрмон элининг заоси.
Бориб кўргин Қиронжоннинг бўйини,
Кимга айтмай бу юракнинг ўйини,
Эсон-омон келди икки фарзандинг,
Бориб қилсин болаларини тўйини.**

Алихонга жавобан Бўтакўз айтган қўшиқ Пўлкан шoir маҳоратини, айни пайтда Қўрғон дostonчилик мактаби намояндалари анъанавийлик ва бадихавийлик мутаносиблигини ҳамма илҳомий авжда сақлаб, ижод ва ижро мувозанатини таъминлаганини яна бир марта эъхир этади:

**Мен сени шаҳзода дедим, мард дедим,
Сен менга юракка тоза дард бўлдинг.
Олиб бориб сўрамай гуноҳимни,
Сен, қайтай, юраксимизга дард бўлдинг,
Ажалнинг тўйини ўзинг кий, дединг,
Қошиғ кериб, қовоғини ўй, дединг,
Сўрамайин олиб бориб ўзимдан,
Қайтабисан, кўзинг қийиб сўй, дединг,
Сен қайта юракларимизга дард бўлдинг...**

Энди Эргаш Жуманбулбул ўғли айтган “Кунтуғмиш” дostonини эсга олайлик. Зангарга янги бўлган подшо Кунтуғмиш ўз ўғилларини — Моҳи билан Гуркини танимай, дорға осига фармон беради. Моҳининг: “Қораконинг юрти сабил бўлмасин, Қуримасин Кунтуғмишнинг туёғи” деган сўзларидан ҳақиқатнинг тағига етиб, тахтидан тушиб, фарзандларини қутқазिशга шошилади... Шунда Моҳини кўкрағига олиб, кўтариб йиғлаб турган янги подшо Кунтуғмиш эканини билиб, Холбека унга бундай деб мурожаат этади:

**Мен сени шаҳзода дедим, мард дедим,
Сен қандай сийнамга кўйган дард эдинг,
Чиқсин кўзинг, танимайинг болансин,
Не тилинман буни дорға торт, дединг.
Авал охир мени муңча куйдирдинг,
Ғам билан кўзингнинг ёшин куйдирдинг...
Юра билмай, юрар йўлдан тойилдим,
Уча билмай қанотимдан қайрилдим,
Чиқсин кўзинг, танимайинг болансин,
Армон билан мен боламдан айрилдим.
Мен сени шаҳзода дедим, мард дедим,
Сен қандай сийнамга кўйган дард эдинг.**

Ҳар икки парча гўзал, фожиавий, изтиробларга тўла аёл қалбининг пўртанали туйғуларини бетакор тасвирлаб ва меҳрга қоришқ ифодалари жозибаси билан ром этади. Қаранг, Пўлкан шoir дostonчилигимизда асрлар оша шаклланиб, сайқал топган андозавий ибора — эпик клише мазмунини моҳирона янгилаб, ўйлатиб юборган, улар ўз ўрнида шу қадар жонлиб кетганки, бу ноёб бадий тасвирлар андозавий иборалар асосида юзага келаётганлиги ҳаёлимизга ҳам келмайди...

Атоқли бахши куйлаган дostonларда муҳассамлашган сўз бойлиги халқимиз кўнгли ҳазинасининг кўзгуси ўлароқ ҳар бир янги авлод руҳида она тилимизга, Ватанимизга муҳаббат уйғотиб, миллий ўзлигимиз маънавий таянчларидан бири сифатида то абад қадр топаверади.

Пўлкан шoir азал-азалдан ва барча замонларда халқимиз яратиб, асраб, янги авлодларга жонли тарзда — номоддий маданий мерос сифатида етказиб келаётган миллий эпосимизнинг мисли йўқ ижодшоилари ва ижрочиларидан бири мақомда, шу билан бирга, ўзи ҳам ҳамнафас, елкадош, муҳаббат ва адолатга тўлуғ ҳаётга эришиш йўлида жазм этган элининг кўнглини камраган туйғуларни дostonлари, термаларида суруру гуруру билан ифодалаган куйчи сифатида маънавий ҳаётимизда бадий мезонга айланиб улгурган. Шу боис зарур ҳолларда маънавий ҳаётимиздаги, кундалик турмушимиздаги воқеа-ҳодисаларни Пўлкан шoir ибрати мезони кесимидеа англашга ҳаракат қиламиз. Зотан, Президентимиз таъбири билан айтганда, бахши, оқин ва жировлар азалдан халқ қалбининг куйчилари, турли миллат ва элатларни бирлаштирадиган олийжаноб инсонлар сифатида ардоқлаб келинади.

**Муҳаммадали ҚўШМОҚОВ,
филология фанлари номзоди.**

Умуммиллий ҳаракат

ХОРАЗМНИНГ «ЯШИЛ БЕЛБОҒ»И ХУДУДГА ЯНАДА КЎРКАМЛИК ВА ТАРОВАТ БАХШ ЭТАДИ

Оролбўйи минтақасида жойлашган Хоразм воҳасида экологик барқарорлиқни сақлаш, атроф-муҳит мусоффолигини таъминлашда яшил ҳудудлар муҳим аҳамият касб этади. Шу боис “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида жорий йил 25 октябрдан 1 декабргача давом этадиган кузги кўчат экиш тадбирларига вилоятда пухта тараддуд кўрилади.



Жорий йил куз мавсумида вилоят ҳудудига экиладиган кўчатлар бўйича манзилли дастур шакллантирилди. Унга кўра, жами 6 млн. 156 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатини ўтказиш режалаштирилган.

Айни пайтда давлат ҳамада жамоат ташкилотлари вакиллари, нурунийлар, маданият ва санъат намояндалари, танкиқ спортчилар, ёшлар, умуман, бутун аҳоли ойлук тадбирларида фаол қатнашмоқда.

— Асосан, вилоятимиз тупроқ ва иқлим шароитига мос гулжум, катальпа, терак, тўрғонги, тол каби манзарали, жийда, беҳи, узум, анор, анжир, тут каби мевали дарахт кўчатларини экишга таяёрликда, — дейди Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазириликнинг Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Атабек Қиличев. — Ҳудудларни кўкаламзорлаштиришда асосий масала сўз таъминоти билан боғлиқ. Экилган кўчатларни суғориш учун 72 та янги сув қудуғи ишга туширилди. Шунингдек, зарур жойларда томчилик суғориш технологияларини ҳам жорий этяпмиз.

Эътиборли жиҳати, кўчат экиш тадбирларида етти ёшдан етмиш ёшгача каттаю кичик юртдошларимиз, турли миллат вакиллари фаол қатнашмоқда.

— Кўчат экиш тадбирларида вилоятимиздаги миллий маданият марказлар аjoyиб ташаббуслар билан чиқяпти, — дейди Ўзбек — туркман дўстлик жамияти раиси Давлатназар Ражабов. — Бугунги кунда Хоразм вилоятида 30 га яқин миллат вакиллари билан оила фарзандларидек ахил-иноқ яшамоқда. Ўзбекистон — барчамизнинг умумий уйимиз. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида биз ҳам фаол қатнашяпмиз. Жонахон Ватанимизни боғ-роғларга бурқаш, атроф-муҳит мусоффолигини асраш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз.

Вилоят ҳудудида 34,7 гектар майдонда ва 84 та сановат корхонаси жойлашган манзилларда 125 гектар майдонда “Яшил белбоғ” барпо этилади. Яшиллик оламига бурканидиган бу масканлар халқимиз, воҳа меҳмонлари ташриф буюриб дам оладиган, мириқиб хордиқ чиқарадиган сўлим гўшаларга айланади. Ҳаётимизни янада кўркамлаштиради.

**Одилбек ОДАМБОВЕВ
(«Халқ сўзи»).**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1141. 32 572 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. БаҳоСИ келишилган нарҳда.

Гезитнинг ҳақиқатини маълумотларини оқиб олдиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибхат 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.

Таҳририятга келган кўлабмақал тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Гезитнинг сўзасиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаоабгор.

Гезита таҳририят компьютер марказида термал ҳамада оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Гезитнинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Исломо Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — З. Худойкуров.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаСИ. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.32 Топширилди — 23.45 1 2 3 4 5 6